



20 20 у « 6 » апрель

№ Қ-152

«    »                      20    г

**Бандихон тумани “Бандихон” маҳалласи худудидан “Qurbonmurod O’rol” МChJга “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор шахобчаси” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,20,34-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги “Сурхондарё вилояти таркибида ташкил этилган Бандихон тумани ҳокимлигининг ташкилий масалалари ҳамда 2020-2022 йилларда туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 58-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 апрелдаги 03-02/175-сон йиғилиш баёни ва Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 19 мартдаги 01-02/57-сон хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 апрелдаги 03-02/175-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Бандихон” маҳалласи худудидан “Qurbonmurod O’rol” МChJга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 76в-дала контуридаги 0,60 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор шахобчаси” қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқий билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонкулов ва А.Ориповлар зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов